Жумладан, Қорасув-1 мавзеси, 6-ўй, 36-хонадонда истиқомат қилувчи М.Қаюмова ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. “Катта Қорасув” маҳалла раиси ва сектор раҳбари тавсияномаси асосида тикувчилик цехини кенгайтириш мақсадида банк томонидан имтиёзли равишда 80,0 млн. сўм кредит олиш учун кичик ишчи гуруҳга мувожаат қилди. Бу мувожаатдаги тадбиркорнинг ёғларни ўрганиб чиқилиб, ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳга юборилди. Тегишли жараёнлардан муваффақиятли ўтган режа тадбиркорга Миллий банкнинг Мирзо Улуғбек филиали томонидан кредит маблағи пудратчи ташкилотга ўтказиб берилди. Бунинг натижасида оилавий тадбиркорларимиз сафи кенгайди ва қўшимча 5 та янги иш ўрни яратилди.

Бугунги кунда ҳам оилавий тадбиркорлар сонини кенгайтириш бўйича кичик ишчи гуруҳи ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Агар сизда ҳам оилавий тадбиркорликка қизиқиш бор бўлса, марҳамат, ўзингиз яшаб турган худудингиздаги маҳалла марказига мувожаат қилинг ва имтиёзли кредитга эга бўлинг!

“ТЕНГ ДОШИМГА КЎМАК” ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман Кенгаши томонидан туманда истиқомат қилаётган кам таъминланган, ижтимоий ҳаётда фаол ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Авайхон” МФИда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг фахрийси Зокиржон Алматов билан учрашув ташкил этилди.

Ташриф давомида маҳалла ҳудудида жойлашган “Кувшин” миллий таомлар ресторанида 20 нафар кам таъминланган оила фарзандлари учун байрам дастурхони ташкил этилди. Болажонларга совға сифатида ҳам уч миллион сўмлик қишки иссиқ кийимлар ва ўкум қуроллари топширилди.

Бундай тадбирларнинг ўтказилиши улғайиб келадиган баркамол авлодни қомил инсон бўлиб вояга етиши ва ватанпарварлик руҳида тарбия топишига замин яратади.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЯРМАРКАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Пойтахтимизда 2018-2019 йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнлари давом этмоқда. Унга мувофиқ, маҳаллаларда фуқаролар учун озиқ-овқат маҳсулотлари кўчмас савдоси ўз фаолиятини бошлади.

Ижодий гуруҳимиз Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидаги “Кичик Хирмонтепа” ва Шайхонтоҳур туманидаги “Белтепа”, “Сархумдон” маҳаллаларида ташкил этилган ярмаркаларда иштирок этди.

— Биз бугун уйимизнинг ёнгинасидан сабзавот маҳсулотларини бозордан анча арзон нарҳда сотиб олаётганимиздан хурсандимиз. Бунда ҳам вақтимиз, ҳам маблағимиз тежалмоқда. Шундай қулайликларни яратган барча ташкилотчиларга маҳаллаимиз номидан миннатдорчилик билдирамиз, — дейди “Белтепа” маҳалласида яшовчи фуқаро Махмуд Кадабоева.

Ярмаркалар шахримизнинг барча маҳаллаларида ташкил этилмоқда.

Тошкент шаҳар ва Мирзо Улуғбек туман ҳокимликлари Матбуот хизмати



УРУШ ФАХРИЙЛАРИ ЭЪЗОЗДА

Тошкент шаҳар "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан пойтахтимизда истиқомат қилаётган 1941-1945 йилларда Иккинчи жаҳон урушида жанг қилган фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, моддий томондан ёрдам кўрсатиш борасида бир қанча ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Яшнобод туманида бугунги кунда 15 дан ортиқ урушда қатнашган фахрийлар истиқомат қилади. "Шоҳимардон" маҳалласи Нодирабегим кўчаси, 75-уйда истиқомат қилаётган Иноят ота Содиқов яқинда 95 ёшни қаршилайди. Иноят ота ҳарбий хизматни ўқи бўлиб бошлаганлар, кейинчалик ҳайдовчилик қилган, Сталинград ва Волгоград жангларини кўрган. Немис-фашист босқинчиларига қарши урушда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган. Япон урушида ҳам қатнашиб, 8 йил умрини ўтказган. Урушдан эсон-омон қайтиб келган Иноят ота яна ҳайдовчилик касбини давом эттирди. Оила қуриб, 10 фарзандни, яъни 5 ўғил, 5 қизни турмуш ўртоғи билан биргаликда тарбиялаб, уйли-жойли қилди. Мана ҳозир ўттизга яқин неваралар, чеваралар ардоғида умргузаронлик қилмоқда.

Фарзандлари Муножат, Инобат, Эргаш, Жўра, Олим, Ибодат, Обид, Саодат, Малоҳатларнинг барчаси ўзидан тинган. Ўғиллар ота издан бориб ҳайдовчилик касбини эгаллашган бўлса, қизлар эса педагогик, тиббиёт соҳаларини танлашган. Файзли хонадонда фарзандлар, неваралар навбати билан Иноят отани кўргани келиб туришади, насиҳатларини олишади. Инсон учун бундан ортиқ бахт борми? Не-не машаққату урушларни кўрган, тинчлик замонида ҳалол меҳнат қилиб, ўғил-қизларни тарбиялаб, элга қўшиш, албатта, ҳавас қилса арзийди. Иноят ота ибратли ҳаёт йўли, ҳалол меҳнати билан давлатимиз томонидан бир қатор орден ва медаллар билан тақдирланган.

— Туманимизда 265 та уруш ва фронт орти меҳнат фахрийлари рўйхатга олинган, — дейди биз билан сўхбатда Яшнобод тумани ФУЎБОФМ Кенгаши раис ўринбосари Комил Зиёмухамедов. — Биз улар ҳолдан доимо хабар олиб тураемиз. Иноят ота Содиқов ҳақида гапирганда эса улар ҳали бардамлар, ҳукуматимиз рағбати билан имтиёзли равишда ҳаж сафарига бориб келдилар. Мана ҳозир ҳожи бобо бўлиб, ардоқда ўтирибдилар.

Айтиш жоизки, Тошкент шаҳар "Маҳалла" кенгаши томонидан уруш қатнашчиларига алоҳида йўл хариталари тузилиб йил давомида қилинадиган ишлар келишиб олинган. Бунда "Нуроний" жамғармаси, Ёшлар иттифоқи ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар жалб қилиниб, уруш қатнашчиларининг ҳол-аҳволларидан хабар олиб туриш, тиббий кўриқлардан ўтказиш, ҳайит ва байрам кунларини нишонлашда ва бошқа турдаги тадбирлар орқали йўқлаш, туғилган кунларини нишонлаш; тиббиёт, Қизил Ярим Ой жамияти вакилларини доимий равишда жалб қилиш, патронажни график асосида ўтказиш, ҳовли, кўчаларни тозалаш, гул ва рай-ҳонлар экиш ҳамда бошқа ишлар белгиланган олинган. Яна уларнинг уй-ҳовлиларини тартибга келтириш, яшаб турган хонасини таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда.

З.ШАРИФЖОНОВ

СУВНИ ТЕЖАШГА ЁРДАМ БЕРУВЧИ МОБИЛЬ ИЛОВА ЯРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан "Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш илмий лойиҳаси" доирасида илк бор "ТОМЧИ" мобиль иловаси яратилди.

Пойтахтимиздаги "Radisson Blu" меҳмонхонасида ушбу илова тақдироти юзасидан бўлиб ўтган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, соҳа мутахассислари, экспертлар, фермерлар ва деҳқон ҳўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.

Мазкур мобиль илова Швейцария тараққий ва ҳамкорлик агентлиги томонидан молиялаштирилган. Утган йиллар давомида агентлик ёрдами билан ташкил этилган фермерлар дала мактаби муваффақиятли фаолият кўрсатаётган бўлиб, сувдан фойдаланувчилар ва сув ҳўжалиги ташкилотларининг ирригация тизими ва экин майдонларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятлари мустаҳкамланди. Шунингдек, сув ҳўжалиги тармоғи ходимларининг касбий билимларини ошириш ишига алоҳида эътибор қаратилди.

Сув ҳўжалиги вазирлиги тузилмалари мутахассислари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик жараёнида керакли ахборотларнинг етишмаслиги, айниқса, бу жараён сувни тежаш технологиясида тез-тез учраётгани маълум бўлди.

"ТОМЧИ" мобиль иловаси фермерлар, сув ҳўжалиги ташкилотлари ходимлари ва ер майдонларини суғоришда сув тежамкорлиги технологиясини ишлаб чиқарувчи ва фойдаланувчи фуқаролар учун мўлжалланган, — дейди лойиҳа раҳбари Омина Исломова. — Илова суғоришда тежамкорлик методлари ҳақидаги ахборотларга тезкорлик билан эга бўлиш, уларнинг афзалликлари ва сув технологияларининг тахминий баҳосини ҳисоблаш имконини беради. Дастурда тежамкор технология баҳосини ҳисоблайдиган калькулятор бўлиб, у томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш ва бошқа технологиялар самардорлигини ҳисоблаш имкониятига эга. Бу орқали фойдаланувчи ўзи режалаштирган лойиҳага қанча миқдорда маблағ ажратиш мумкинлигини билиб олади.

Шунингдек, фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мақсадида видео, фотогалерея, мавзу бўйича турли электрон китоблар ва соҳага оид ҳўқуқий ҳужжатлар жойлаштирилган. Келгусида мобиль илова сув ҳўжалиги вазирлигининг махсус порталига уланган. Унга суви тежаш технологияси ҳақидаги ахборотлар жойлаштириб борилади.

Тадбирда иштирокчилар янги мобиль илова имкониятларини янада кенгайтириш юзасидан ўз тақлифларини билдирди.

(ЎЗА)

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ

у қандай таъминланади

"Пойтахт" бизнес марказида ахборот хавфсизлигининг долзарб масалаларига бағишланган семинар ўтказилди. Унда соҳа мутахассислари, компания ва банк ходимлари иштирок этди.

Семинарда сўз олганлар мамлакат равнақида замонавий ахборот технологияларининг мунтазам тараққий этиши ва унинг барча соҳаларга кенг жорий этилиши муҳим аҳамият касб этиб, бу жараённинг барқарорлигини таъминлашда ахборот хавфсизлиги муаммосига доимий эътибор қаратиш давр талаби эканини таъкидлади.

Маълумки, дунё миқёсида ушбу йўналишдаги кибер-ҳужумлар сонининг кўпайиши нафақат тегишли банк, компания ёки давлатнинг молиявий аҳолига, балки бутунжаҳон интеграциясига салбий таъсир этади. Ташкил этилган тадбирда ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги янгиликлар, тажрибалар ҳамда турли хавф-хатарларга қарши самарали усулларидан фойдаланиш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратилди.

"ARK IT Security" лойиҳаси раҳбари Азиз Курбоннинг маълум қилишича, ушбу семинар мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган компания, банклар ва бошқа ташкилотлар ахборот хавфсизлигини таъминлашда илмий ва амалий аҳамиятга эга. Япониянинг "Trend Micro" компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган семинардан кўзланган мақсад ушбу компаниянинг ахборот ресурслари, илмий базаси ва технологик салоҳияти билан иштирокчиларни таништириш баробарида, бугунги кунда ахборот хавфсизлигини таъминлашда комплекс ёнда-

шув чора-тадбирларини кўриш ҳамда бу борада билим ва тажрибаларга эга бўлишдир.

— 30 йиллик фаолияти мобайнида "Trend Micro" компанияси ахборот ресурслари, илмий базаси ва технологик салоҳияти билан дунё бозорида ўз ўрнига эга бўлди, — деди ЎЗА мухбирига "Trend Micro" компаниясининг Марказий Осиё бўйича минтақавий менежери Нурбек Раҳимов. — Компания давлат, молия, таълим, соғлиқни сақлаш каби кўплаб секторларда фаолият кўрсатмоқда. Компаниямиз Ўзбекистон бозорида ҳам фаол иштирок этишни бошлади. Жорий йилнинг октябрь ойида "Trend Micro" компанияси билан ИНХА университети ўртасида ҳамкорликда илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш, инновацион лойиҳалар тайёрлаш ҳамда университет талабалари учун маъруза ва маҳорат дарслари ўтказишни кўзда тутувчи меморандум имзоланган бўлиб, айни пайтда бу борада ҳамкорлигимиз мустаҳкамланиб бормоқда. Бугунги семинарда биз иштирокчиларга ахборот хавфсизлигини таъминлашга қандай ташкил этиш, бу жараёндан ҳимоялаш ҳамда энг замонавий технологиялардан фойдаланиш бўйича таълим ва тавсиялар бердик.

Яқунда мавзу доирасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

ГЎЗАЛЛИК БИЛАН ЁНМА-ЁН

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида "Гўзаллик билан ёнма-ён" номли кўргазма ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ҳамда Корея Республикаси галереяси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда маданият вазирининг биринчи ўринбосари Озодбек Назарбеков, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги

Фавқуллодда ва мухтор элчиси Квон Ён У ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик санъат ва маданият соҳасида ҳам изчил ривожланаётганини таъкидлади.

Кўргазмада Жанубий корейлик 16 рассомнинг абстракт сюжетлари, кундалик ҳаёт ва мамлака-

тининг ўзига хос табиатини акс эттирган картиналар намойиш этилмоқда.

Кўргазма доирасида замонавий санъатнинг асосий тенденцияларини ривожлантириш масалалари бўйича музокаралар ўтказилди.

Гулноза БОБОЕВА



Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 26 октябрь кунини Юнусобод туманига ташрифи чоғида ҳар бир маҳалла раисини 10 тадан иш ўрни яратиши лозимлиги ҳақида айтган эди. Мазкур топшириқ ижроси доирасида ташкил этилган тумандаги "Туркистон" маҳалласида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 170 га яқин корхона ва ташкилот бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Ижтимоий ҳимоя

АҲОЛИ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

— Бу тадбир пойтахт маҳаллалари ичида биринчилардан бўлиб ўтказилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир, — дейди "Туркистон" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Омонулло Нурхўжаев. — Маҳалла ташаббуси билан ташкил этилган мазкур ярмарканинг ўзига хослиги шундаки, унда иш излаб келган фуқароларнинг кейинги тақдири, ишга жойлашиши билан боғлиқ масалаларни бевосита назорат қилиш имкони бор. Зеро, йиғиндаги банд бўлмаган аҳолининг ҳар бири билан тадбирдан аввал ва кейин юзма-юз мулоқот ўтказилиши натижасида расмиятчиларнинг олди олинган. Жумладан, бугунги тадбирда 14 нафар маҳалладашимиз ишли бўлди. Ярмаркада туманимиздаги барча маҳаллалар вакилларининг иштирок этиши келгусида бу каби тадбирларнинг мунтазам ўтказилишини таъминлайди.

— Очигини айтсам, шу вақтгача меҳнат ярмаркаларига бориб ўзимга иш тополмаганим, — дейди "Туркистон" маҳалласидан Муроджон Табзиев. — Бу сафар тадбир ўтказилишини эшитганимда, илгаридеги каби комигагина бўлиб ўтса керак, деб ўйлагандим. Шўқрки, ярмаркада Тошкент вилоятининг Тошкент туманида жойлашган "Фазо люкс" корхонаси билан ишга жойлашиш юзасидан шартнома имзоладим. Маош миқдори кўнглимдагидек, ходимлар учун алоҳида автобус ажратилгани эса ишга қатнаш билан боғлиқ муаммоларга чек қўяди.

Таъкидлаш жоиз, меҳнат ярмаркаларида тақдим этиладиган бўш иш ўринларининг аксарияти ўрта маълумотли ёшларга мосдир. Аммо ойлик маошнинг камлигини рўқач қилиб тайёр жойда ишлашдан бош тортаётганлар ҳам йўқ эмас. Аслида

ёшлар боқимандалиқдан халос бўлишлари лозим. Бу жараёнда эса маҳалла фаолларининг тушунтириш ва тарғиботи муҳим ўрин тутди.

Тадбирда, шунингдек, хунармандлар томонидан яратилган маҳсулотлар ва китоблар кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

Юнусобод тумани бандликка кўмаклашиш марказидан маълум қилишларича, маҳаллада ўтказилган меҳнат ярмаркасида 35 киши бўш иш ўринлари юзасидан шартнома имзолаган. Шулардан 14 нафари — "Туркистон" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ташкил этилган бу каби тадбирлар бардавом бўлиши аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Фарход ТОЛИПОВ
СУРАТДА: меҳнат ярмаркасида навҳа

МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАРНИНГ БЕТАКРОР КЎРКИ

Тошкент мода ҳафталиги доирасида Миллий либослар фестивали бўлиб ўтди.

Унда юртимизнинг турли ҳудудларида ижод қилаётган дизайнерлар шакл, мато, ижодий ёндашуви турлича бўлган коллекциялари билан иштирок этди. Фестиваль мода соҳасидаги ўзига хос ахборот майдони ҳамда ижодкорларнинг илҳом манбаи сифатида хорижлик ва юртимизнинг энг профессионал либос усталарини ўз атрофига бирлаштирди.

Мутахассисларнинг фикрича, ушбу фестиваль тарихий либосларга ҳурмат ва эҳтиром билан ёндашуви таъминлайди. Шунингдек, ижодкорларга янги-янги гоғлар тўхта қилади.

Либослар намойишида миллий кийимларимизга оид ўтмиш ва бугунги кундаги бой аъёнлар кўзга ташланиши эътиборга моликдир.

Фестиваль доирасида 20 нафар дизайнернинг либослари мода илхомландлари эътиборига ҳавола этилди. Айниқса, Нилуфар Абдувалиева, Дилноз Эркинова, Денис Томилини, Хуршида Султон каби маҳоратли дизайнерлар томонидан яратилган тўпламлар кўпчиликка манзур бўлди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тожикистонлик ва қирғизистонлик дизайнерларнинг ҳам ижод намуналари томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

Либослар тўпламида Тошкент ва Фарғона ҳудудларининг миллий матолари, Хоразм чопонлари, бетакрор заргарлик буюмлари, Бухоронинг зардўзи либослари, Сурхондарё ва Қашқадарёнинг бетакрор кашталари коллекцияларга ўзгача кўрк бағишлади.

Фестиваль якунида барча дизайнерлар Тошкент мода ҳафталигининг дипломи билан тақдирланди.

МИНИАТЮРА САНЪАТИНИНГ НАФИС ЖИЛОЛАРИ

Камолитдин Беҳзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейида "Марказий Осиё китобат санъати ва миниатюраси" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Жаҳон маданиятидан муносиб ўрин эгаллаган, Шарқ халқларининг муштарак бадиий мероси ҳисобланадиган миниатюралар китобат санъатининг таркибий қисми бўлиб, улар қадимги нодир кўлёмаларни зийнатлаш баробарида, мазкур асарлардаги илғор инсонпарварлик гоғларини, эзгу интилиш ҳиссини, гўзаллик тўғрисидаги тасаввурни ифодалашга ҳам хизмат қилади.

Турли санъаткорлар — хаттот, мусаввир, музаҳҳиб, муқовасоз, жадвалкаш ва бошқаларнинг ижодий ҳамкорлигида яратилган нодир кўлёмалар ўша давр ижтимоий-маданий ҳаётини, бадиий-эстетик қарашларини ўрганишда муҳим манбадир.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Истанбул шаҳридаги Тўпқопи саройи, Турк ва ислом асарлари музейлари фондида сақланаётган Алишер Навоий портрети ҳамда 18 хил миниатюра ва безаклар нусхасининг Камолитдин Беҳзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейига совға қилиниши музей фондини XIV-XVI аср китобат санъати дурдоналари билан бойитди.

Тадбирда музейда намойиш этилаётган XIV-XVI аср Самарқанд, Бухоро миниатюра мактаблари намуналари бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар ҳақида сўз борди. Миниатюра санъатини янада кенг тарғиб этиш масаласи муҳокама қилинди.

(ЎЗА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Марказий авария-диспетчерлик хизматининг дайди ҳайвонларни тутиш махсус бўлинмаси томонидан шаҳар ҳудудидан дайди ҳайвонларни тутиш ишлари амалга оширилади.

Шаҳримизнинг кўча ва хиёбанларидан дайди ҳайвонларни учратганингизда тегишли чоралар кўриш учун дайди ҳайвонларни тутиш махсус бўлинмасининг қуйидаги телефонлари орқали маълумот беришингизни сўраймиз.

Тел: 71 247-72-27, 71 227-48-01, 71 227-48-05.



ФАВКУЛОДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИ ОЛИНМОҚДА

Маълумотларга кўра, республикамизда сўнгги йилларда кузги-қишки иситиш мавсумида қайд этилаётган фавқулодда вазиятларнинг аксарияти ис газидан захарланиш ва ҳаво-газ аралашмасидан чақнаш ҳолатлари билан боғлиқ бўлмоқда. Биргина жорий йилнинг 15 ноябрь ҳолатига республикамизда ис газидан захарланиш ва газдан чақнаш билан боғлиқ 31 та фавқулодда вазият юз бериб, уларда 101 нафар фуқаро жабрланган.

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида ис газидан захарланиш ва газдан чақнаш билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжуманида таъкидлаб ўтилди. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ташкил этилган анжуманда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Узтрансгаз" акциядорлик жамияти, "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси вакиллари иштирок этди. Анжуманда киши мавсумида юзага келиши мумкин бўлган ис газидан захарланиш ҳамда газдан чақнаш билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларга қарши кураш борасида қатор ишлар олиб борилаётгани айтиб ўтилди. Жумладан, аҳоли турар жойларида иситиш қозонлари ва печларидан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши ҳолатини тизимли ўрганиш ҳамда мавжуд муаммо ва носозликларнинг бартараф этилишини таъминлаш бўйича ҳудудий ҳокимликлар раҳбарлигида идоралараро ишчи гуруҳлар ташкил этилган. Ишчи гуруҳ томонидан турар жойлардаги иситиш тизимлири тизимли ташкил этиш бўйича чоралар қўрилмоқда. Маълум фавқулодлар йилнинг фаоллари иштирокида ис газидан захарланиш ҳамда ҳаво-газ аралашмасидан чақнаш каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш бўйича аҳоли орасида кенг қамровли тарғибот ва таъқиқот ишлари олиб боришмоқда. Таҳлилларга кўра, ис газидан захарланиш ҳолатлари фуқаролар томонидан газ ва муқобил ёқилги (кўмир, ўтин ва бошқа) турларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига тўла амал қилмаслик натижасида юзага келмоқда, — дейди Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот хизмати бошлиғи Самандар Ҳикматуллаев. — Мисол учун, ностандарт, қўлбола ясалган иситиш печларидан фойдаланиш, дудбуронларни нотўғри ўрнатиш, уларни тортиш қобилиятини текширмаслик ва тозаламаслик, газ ва иситиш анжомларини ўрнатишдаги камчиликлар ис газидан захарланиш ва ҳаво-газ аралашмасидан чақнаш ҳолатлари юзага келишига сабаб бўлмоқда. Агарда фуқароларимиз ана шундай камчиликларга йўл қўймас, ис газидан захарланиш ҳамда ҳаво-газ аралашмаси чақнаши билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олди олинган бўларди. Матбуот анжумани доирасида тегшли идоралар томонидан ис газини аниқлайдиган, фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга кўмаклашувчи газоанализатор носаларига намойиш этилди. Мутахассисларнинг айтишича у ҳолатнинг махсус иситиш тизимига ўрнатилади. Агарда уйда бирор сабаб билан метан, пропан ва бошқа ис газлари чиқадиган бўлса, қурилма ишга тушиб, уни аниқлаб беради ҳамда сигнал чала бошлайди. Яна бир фойдали томони шундаки, агарда ҳондонда ис газини пайдо бўлган пайтда уйда ҳеч ким бўлмас, қурилма газни тармоқдан автоматик равишда ўчиради. Қурилма электр энергияга уланган ҳолда ишлайди. Шу орқали у электр қувватини ўзида жамлайди. Бу аса қурилма электр энергияси тизимдан узилган ҳолларда ҳам 24 соат ишлаб туриши имконини беради. Абдуалим САЛИМОВ

Спорт

ЁШ ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ ЎФА ЭЪТИБОРИДА

Жорий йилнинг 10-16 май кунлари Россия пойтахти — Москва шаҳрида футбол бўйича Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида уюштирилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпиони бўлган.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитасида ёш жаҳон чемпионлари учун тадбир уюштирилди. Миллий олимпия қўмитаси ҳамда ЎФА ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидан таркиб топган голиб жамоа

аъзоларини Миллий олимпия қўмитаси раиси, ЎФАнинг биринчи вице-президенти Умид Аҳмаджонов табриклади ва жаҳон чемпионларини доимо қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг ёш футболчилар ва уларни мусобақага тайёрлаган мураб-

бийларга терма жамоаларимиз учун тайёрланган Adidas экипировкалари топширилди. Голиблар мураббийси Жамшид Асадов юксак эътибор ва ғамхўрлик ёш футболчиларни келгусида ҳам халққаро мусобақаларда зафар қўчишлари учун замин яратишини таъкидлади.

Мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар ўртасида миллионлар ўйинига бўлган қизиқишни кучайтириш мақсадида жорий йилдан ЎФА ташаббуси билан турли ёш тоифасидаги болалар ҳамда ўсмирлар иштирокида мамлакат биринчилиги мусобақалари ташкил этилган.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — СОВРИНДОР

Қарши шаҳрида 16 ёшли ўсмирлардан таркиб топган жамоалар ўртасида уюштирилган мусобақа якунига етди. Турнирга пухта тайёргарлик кўрган "Насаф" ҳамда "Анджигон" жамоалари чемпионлик учун ўзаро кураш олиб боришди. Қизиқарли, аммо майдон эгаларининг устунлигида кечган баҳсда 4:1 ҳисобида зафар қўчган "Насаф" жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, Ўзбекистон чемпиони номига сазовор бўлди. Биринчиликнинг бронза медали учун

кураш Бухоронинг "Нарафшон" ҳамда Тошкентнинг "Пахтакор" жамоалари ўртасида кечди. Қизиқарли, шиддатли курашлар остидаги учрашувда Абдуллоҳ Абдулазизов томонидан рақиблар дарвозасига киритилган иккита гол ёш пахтакорчиларга 2:0 ҳисобидаги ғалабани туҳфа этди. Мусобақа якунида голиб ва совриндор жамоаларга совринлар, эсдалик совғалари туҳфа этилди. Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Қатрлар

БОИСИ МЕҲНАТ

— Биз сизларни чиройли қилиб турамыз. Кўрганлар ҳавас билан боқади, — ўзларини кўз-кўз қилди ўнг ва чап қўлга тақилган билақузуклар.

— Тўғрику-я, сизлар ҳалол меҳнатимиз эвазига келганингизни зинҳор унутманг, — дейишди қўллар.

СУЯНЧИК

Дарахт кўп йил яшаб қаригач, қуриди. Бир кун бяхорги шамолга дош беролмай, йиқилди.

— Олдимда тўғаноқ бўлиб тураман, қутулдим-а, энди роса яйрайдиган бўлдим, — деди йиқилган дарахтнинг илдизидан ўсиб чиққан ниҳол.

Хиёл вақт ўтгач, шамол ниҳолга ҳамла қилди. Бўш-баёв ниҳол ўзини тутолмай ерга ёнбошлади. "Тўғаноқ"ни эслади: "Билмаган эканман, меҳрибонгинам, қуриганингизга суюнчигим бўлган экансан-а!".

МЕҲР-ЛА БОҚ

Ҳаётга меҳр-ла боқсанг неки бор кўзингга гулу гулзор бўлиб кўринади. Совуққонлик ила боқсанг, тиканлари сенга ўқталиб, захрини сочаётгандек.

Меҳрга меҳр ёр, Қаҳрга қаҳр ёр.

МИННАТ ҚИЛИБ

— Худойи қилиб, қийналиб қолдим. Қарз бериб турсангиз, — илтимос қилди янги кўшни эски кўшидан.

Эски кўшни:

— Мана пул, олинг... Бемалол бўлганингизда бемалол бўлманг, — деди-да, сўнг эътирозини айтишга жазм қилди: — Жўжабирдек жонсиз. Худойини бемалол вақтингизда қилсангиз эди, нур устига нур ёғиларди савобдан. Оқибат, эҳсонни миннат билан йўқ қилдингиз.

ОҚИБАТ ҚОЛУР

Яхмалак йўлдан бир-бирига қарама-қарши келаётган икки киши қадамларини ўйлаб босишади. Орада эзлик метрча қолганда бир-бирларини таниб қолишади:

— Тўхтаб туринг, биродар. Қўлтигингиздан олиб, ёрдам бераман.

— Омон бўлинг-е. Ўзингиз тўхтаб қолдингиз. Сиздан хавотир қиялпман.

Тўхташ қаёқда. Бир-бирларини тойганиб кетишдан эҳтиёт қилиш, меҳрибонлик ҳисси руҳан тектилик, оёқларига қувват бахш этиб қайтанга тезроқ одимлашга ундади.

Биродарлар саломат кўришдик, дея омонлашдилар. Кўшнинг илиқ тафтидан музлар эриб, исиз йўқолди. Биродарлар ўртасидаги меҳр, оқибатчи, тобланиб абадий қолди.

Фани АБДУЛЛАЕВ

ОИТСГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ҚИЛИНАЁТГАН ИШЛАР ҚОНИҚАРЛИМИ?

Одамнинг иммунитет танқислиги вируси оқибатида келиб чиққан касаллик, яъни ОИВ инфекцияси бугунги кунда барча мамлакатлар учун долзарб муаммога айланди. Мазкур хасталикнинг салбий таъсири фақат соғлиқни сақлаш тизимидагина эмас, балки мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигига ҳам жиддий хавф туғдиради.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фуқаролар соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан Президентимизнинг 2018 йил 25 январдаги қарори билан тасдиқланган "2018 йилда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш Давлат дастури" ижроси юзасидан Республика ОИТСга қарши кураш маркази директорининг ахборотини эшитишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда мамлакатда ОИВ инфекцияси билан касалланиш ҳолати ва хасталик тарқалишининг олдини олиш борасида Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар, қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш юзасидан қўрилаётган чоралар, мавжуд муаммолар ҳамда келгусидаги режалар атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича дастури (ЮНЭЙДС) маълумотига кўра, дунё бўйича айни пайтда 37 миллиондан ортиқ ОИВ инфекцияси билан яшаётган шахс ҳисобга олинган. Республикада 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 37 минг 872 нафар шахс ОИВ инфекциясини юқтирган.

Мамлакатимизда мазкур инфекция тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилиши натижасида кейинги йилларда бу борадаги эпидемик вазият бироз барқарорлашган. Ушбу инфекция билан касалланганлар сони 2017 йилда 2013 йилга нисбатан 222 нафарга (5 фоиз) камайган.

Марказ раҳбарининг ахборотида қайд этилганидек, сўнгги йилларда аҳолининг ихтиёрий равишда ва маълум гуруҳларни қонун ҳужжатлари асосида мажбурий равишда лаборатория текширувлари билан қамраб олиш кўрсаткичлари ортди.

2018 йилнинг 1 июлидан бошлаб ОИВ диагностикаси билан шуғулланувчи 63 та туманлараро ОИВ диагностика лаборатория ОИТСга қарши кураш марказлари тасарруфига ўтказилди. Жорий йилнинг ўтган даврида ОИТСга қарши кураш марказлари томонидан маҳаллий маблағлар ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби-

га жами 1 миллиард 400 миллион сўмга 9 турдаги 34 асбоб-ускуналар сотиб олиб, ўрнатилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институтида ОИВ, гепатит В ва С диагностикаси учун ИФА тест-системалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физика институти қошидаги "Радиофармацевт" давлат корхонасида тест-система ва диагностикалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Йиғилишда ОИВ инфекцияси масалалари бўйича аҳолининг хабардорлигини ошириш борасида амалга оширилган ишларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, ўрта таълим мактабларида ОИВ инфекциясини мавзулари мактаб ўқувчилари учун "Саломатлик дарслари" ва "Соғлом авлод асослари" ўқув дастурлари доирасида фанлар таркибиде интеграциялашган ҳолда ўқитилмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда тузилган режага мувофиқ, ёшлар ўртасида ОИВ инфекцияси профилактикаси масалаларида 20 олий ўқув юртида маърузалар ўқилди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ОИВ инфекциясининг профилактикаси бўйича соҳа "йўл харитаси" тасдиқланиб, амалиётга татбиқ этилди.

Шу билан биргаллик, йиғилишда мазкур йўналишда мавжуд муаммолар ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Жумладан, ОИВ инфекцияси диагностикасида ва беморларни даволашда ишлатиладиган диагностикалар, тест-системалар ва реагентлар узлуқсизлигини таъминлаш, лабораториядаги мавжуд асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва ҳар йили метрологик кўрикдан ўтказиш учун ажратиладиган маблағларнинг етарли эмаслиги, туманлараро ОИВ диагностика лабораториялари жойлашган бинолар таъмирталаб ҳолатга келиб қолгани, тегишли лойиҳаларни амалга оширишда ННТ иштироки талаб даражасида ташкил этилмаётгани каби вазифаларга етарли эътибор қаратилмапти.

Йиғилиш давомида муҳокама этилган масалалар юзасидан таклифлар ишлаб чиқилиб, вазифалар белгилаб олинди.

Нурилло НАСРИЕВ, ЎЗА МУХБИРИ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқитувчилар ва талабалар учун мўлжалланган ошхонани ижарага бериш учун юридик шахслар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Талабгорларнинг 2018 йил 20 декабрь кунига қадар Танлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилиб, қуйидаги ҳужжатларни муҳрланган конвертда топширишлари талаб этилади.

1. Юридик шахс гувоҳномасининг нусхаси.
 2. Умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолияти ва иш тақрибаси тўғрисидаги ёзма маълумотнома.
 3. Мавжуд махсус моддий-техник базаси ҳақида маълумот.
 4. Штат бирлигидаги ошпазлар, санитарлар, фаррошлар ва бошқа ходимлар тўғрисида маълумотнома.
 5. Ҳисоб рақамидаги бўш пул маблағлари тўғрисида банк маълумотномаси.
 6. Юридик шахснинг Қартовелга 2 қарздорлиги бор ёки йўқлиги тўғрисида банк муҳри босилган маълумотнома.
 7. Талабгорнинг ошхона фаолияти ва таомлар менюсини бойитиш борасидаги истиқбол режаси ва таклифлари.
 8. Талабгор томонидан тузилган таомлар менюси ва нархининг рўйхати.
- Мурожаат учун телефонлар: 71 244-94-64, 93 514-28-27.
- Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй. Индекс: 100011.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Кундузи — 13-15 даража илиқ бўлади. Ўзгирмаётгани муниторинг хизмати маълумотига кўра, 29 ноябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 29 ноябрь кунини ҳаво ўзгариб туради, ёлғизчилик бўлмайди. Шарқдан секундида — 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5.